

ХАБАРЛАР

Польша: Россия Украина билан можарони камида қишгача чўзиши мумкин

дақиқа аввал



Польша бош вазири Дональд Туск Украинада яқин орада тинчликка эришиш эҳтимоли жуда паст ва Россия можарони камида қишгача чўзиши мумкин, деди.

- Айни пайтда Россия ва Путиннинг кескин позициясини ҳисобга олганда, яқин келажақда ўт очишни тўхтатиш ёки тинчлик келишувига эришиш эҳтимоли пастдек кўринмоқда. Ҳозир барча Россия томонидан ҳаракатлар кучайтирилишини кутмоқда ва Россия бу урушни камида қишгача чўзишни истаётгани эҳтимолдан холи эмас, - деди Польша бош вазири Доналд Туск.

Тускнинг айтишича, у Украинадаги вазиятни НАТО бош котиби Марк Рютте ва Украина президенти Владимир Зеленский билан муҳокама қилган.

Бундан ташқари Туск, Польша куз фаслида Франция ва Британия ҳарбийлари иштирокида ҳарбий машғулотлар ўтказади, деб маълум қилди.

Бу машғулотлар орқали улар келажакда тинчлик келишуви ёки ўт очишни тўхтатишга эришилганидан кейин Украина ва минтақа хавфсизлигини таъминлашга тайёрланади.